

**“Ўзсувтаъминот” АЖ тизимидағи сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ичимлик сув ва оқова сув хизматлари учун белгиланган нархлар (тарифлар) тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш табиий монополия хизматлари ҳисоблади ва ушбу хизматлар нархлари давлат томонидан тартибга солинади (Молия вазирлигига декларация қилинади).

Ичимлик ва оқова сув таъминоти нархларини шакллантирилишида олдинги йилларда корхоналарнинг асосан жорий ҳаражатлари ва мажбуриятлари инобатга олиниб, жорий ва мукаммал таъмирлаш ҳаражатлари қисман киритилиб, хизмат муддатини ўтаб бўлган тармоқлар, сув кўтариш насос станциялари, ичимлик ва оқова сув тозалаш инишотларидағи ускуналарини ўз вақтида алмаштириш ҳамда реконструкция ва модернизация қилишга зарур ҳаражатлар нархларда деярли кўзда тутилмаганлиги сабабли хизмат кўрсатиш сифати йилдан йилга пасайиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883-сон Фармонига мувофиқ, 2020 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг кўрсатилаётган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш бўйича функциялари “Ўзсувтаъминот” АЖ ва унинг таркибида кирувчи ташкилотларга ўтказилган.

Бундан ташқари, илгари коммунал хизматларга нархлар ва тарифларни тасдиқлаш ёки кейинчалик қайта кўриб чиқишида нархлар ва тарифлар ўсишининг 10 фоизи, ушбу коммунал хизматлар етказиб берувчи ташкилотларнинг ўз даромадлари ҳисобидан қопланар эди. Мазкур тартиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5620-сонли Фармонига асосан бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самараадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон Фармонининг 3-бандида:

2020 йил 1 октябрдан бошлаб ҳудудларда ташкилий-хукуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб монополияга қарши курашиш ва нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосалари олиниб, кейинчалик тегишлигича Корақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланиши;

бунда, сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тарифларни ўрнатилган тартибда шакллантириш ва белгилашда истеъмолчилар учун кўрсатиладиган хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш назарда тутилиши, шунингдек, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатлари ҳисобга олиниши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги 309-сонли қарори билан тасдиқланган Сув таъминоти ва оқова хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 12-бандига мувофиқ, сув таъминоти ва оқова хизматлари учун тарифлар харажатларни, шу жумладан ташкилотларнинг “Уйжойкоммунхизмат” вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаларига мувофиқ сув таъминоти ҳамда оқова тизимларини кенгайтириш ва модернизация қилиш харажатларини тўлиқ қоплаш принципларига асосан белгиланиши ва 14-бандига асосан даромаднинг талаб қилинадиган даражасининг **“харажатлар плюс”** услуби бўйича ҳисоб-китоби:

йиллик барча ишлаб чиқариш харажатлари (масалан, материаллар, иш ҳақи, электр энергияси, амортизация ажратмалари);

давр харажатлари (масалан, сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар ва заарлар);

модернизация ва реконструкция қилиш учун ташкилотнинг йиллик даромади ҳисобидан тўланадиган харажатлар;

молиявий фаолиятни амалга ошириш харажатлари (фоизли харажатлар);

ташкилотнинг фойда олишини ўз ичига оладиган операцион харажатлар (инвестициялар ва хизматлар кўрсатишнинг тасдиқланган режасига мувофиқ) ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши, натижада ҳосил бўлган сумма режалаштириш даврида ташкилот келишилган қарзлар бўйича асосий қарз суммасини ўзининг пулли харажатларини инобатга олган ҳолда, инвестициялар ва хизматлар кўрсатиш режаси амал қиласидан муддатда қоплаши учун етарли бўлиши зарурлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-2900-сон Қарорга мувофиқ Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда белгиланадиган ичимлик сув таъминоти учун ҳамда “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сон қарорига мувофиқ оқова сув хизматлари тарифларига **максус устама пули** белгиланиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғига (Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 19 апрелдаги 499-сонли қарорига) асосан ичимлик суви ва оқова хизматлари учун маҳсус устама ҳақ миқдорлари **Тошкент шаҳрида 100 сўм/м³** дан қўлланилиши, шунингдек **республикамизнинг бошқа худудлари истеъмолчилари учун** ичимлик суви ва оқова хизматлари учун маҳсус устама ҳақ миқдорлари **50 сўм/м³** дан қўлланилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидаларининг:

91-бандида истеъмолчиларнинг коммунал канализация тизимиغا чиқариладиган оқова сувлари миқдори коммунал сув таъминоти тизимидан сарфланган сув миқдорига тенг деб қабул қилиниши ва марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти мавжуд турар жой ва нотурар жой хоналаридан чиқадиган оқова сув миқдори истеъмолчилари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни томонидан тасдиқланадиган қарор билан белгиланган коэффициентга кўра, (барча гуруҳ истеъмолчилари учун **2 коэффициентдан ошмаган ҳолда**), маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб белгилиши;

98-бандида сув ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган I гуруҳ истеъмолчилари сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш тизимларида кўрсатилган хизматлар учун I гуруҳ истеъмолчилари учун белгиланган тарифларга қонунчиликда белгиланган **орттирилувчи коэффициент қўлланилиши** (*Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 300-сонли қарорининг 11-бандига асосан 2013 йил 1 декабрдан ичимлик суви индивидуал ҳисобга олиш асбобига эга бўлмаган жисмоний шахсларга ичимлик сув таъминоти хизматлари учун белгиланган тарифларга 1,5 оширувчи коэффициент қўлланилиши белгиланган*);

“Ўзсувтаъминот” АЖ тизимидағи сув таъминоти корхоналари томонидан ичимлик суви ва оқова хизматлари учун тақдим этилган янги нарх (тариф) лойиҳалари Монополияга қарши қурашиб қўмитасининг худудий бошқармалари томонидан ўрганиб чиқилиб, қуйидаги таклифлар берилган.

“Ўзсувтаъминот” АЖнинг худудий сув таъминоти корхоналари томонидан ичимлик сув ва оқова сув хизматлари учун янги тариф белгилаш бўйича лойиҳалари Кўмитанинг худудий бошқармаларига киритилиб, республика бўйича **ўртача 2,4 баробарга** ошириш бўйича таклифлар киритилган.

Ичимлик ва оқова сув хизматлари нархларини шакллантиришда ичимлик ва оқова сув тармоқларини таъмирлаш, ичимлик ва оқова сув тозалаш иншоотларидаги ускуна ва насосларларни замонавийларига алмаштириш ҳамда янги иншоотларни қуриш каби харажатлар инобатга олинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги

босқичи түғрисида” 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонига мувофиқ, корхоналар томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари нархларини шакллантиришда рентабеллик (соф фойданинг ишлаб чиқариш таннархига нисбати) даражаси **ўн фоиз** атрофида белгиланган.

Кўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўз навбатида ушбу тариф лойиҳаларини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, корхоналарнинг харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига таклиф этилган янги нархларни ўртача **18,2 фоизга** камайтириш бўйича ўз хulosаларини берган.

*Масалан: “Навоий сув таъминоти” МЧЖ томонидан ичимлик сувига белгиланадиган амалдаги нарх, янги нарх бўйича берлиган таклифлари ҳамда монополияга қарши ҳудудий бошқарма томонидан берилган таклифлардаги асосий харажатлар бўйича таққослама маълумот қуидга тақдим этилмоқда.*

T/p	Харажатлар ва кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	амалдаги нархда	янги нарх бўйича сув таъминоти корхонаси томонидан тақдим этилган таклифидан	монополияга қарши курашиб органи таклифи	Фарқи (7=6-5)
1	2	3	4	5	6	7
1	электр энергияси	млн. сўм	768,1	801,5	801,5	-
2	ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ ходимларнинг иш ҳақи	млн. сўм	4 158,7	11 205,3	6 898,9	- 4 306,4
3	сотиб олинадиган сув харажатлари	млн. сўм	3 818,3	6 423,9	9 449,7	3 025,8
4	амортизация харажатлари	млн. сўм	6 674,9	10 322,9	10 322,9	-
5	жорий ва мукаммал таъмирлаш харажатлари	млн. сўм	753,7	1 008,1	1 008,1	-
6	ёрдамчи материаллар харажати	млн. сўм	14,0	1 098,8	1 098,8	-
7	тармоқларни модернизация қилиш харажатлари (қўча колонкаларига уланган 7500 та абонентнинг хонадонигача тармоқларни тортиб бериш, маҳсус машина ва механизмлар сотиб олиш)	млн. сўм	-	30 086,1	17 247,5	-12 838,6
8	назоратчилар иш ҳақи харажатлари	млн. сўм	2 162,4	8 153,4	6 132,0	-2 021,4
9	Осиё тарракиёт банкидан олинган кредит харажатлари	млн. сўм	1 376,0	1 414,4	1 414,4	-

10	истеъмолчиларга етказиб бериладиган сув ҳажми	минг м3	14 978,3	15 569,9	19 260,1	3 690,2
----	---	---------	----------	----------	----------	---------

Бундан кўриниб турибдики, харажатларнинг асосий улушини, яъни **40,5 фоизини** тармоқларни модернизация қилиш харажатлари ташкил этиб, ушбу харажатлар олдинги нархларда инобатга олинмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ичимлик ва оқова сув тарифлари шаклланишининг иқтисодий асосланганлиги юзасидан Кўмитанинг худудий бошқармалари томонидан ўрганиб чиқилган ва тегишли тавсияларини инобатга олиб тасдлиқланган.

Ўз навбатида, ичимлик ва оқова сув тарифларига киритилган харажатларнинг амалда бажарилиши юзасидан йил якунлари бўйича Монополияга қарши курашиб қўмитаси томонидан белгиланган тартибда назорат ишлари олиб борилади.

Агар нархга киритилган харажатлар, яъни муддатини ўтаб бўлган тармоқлар, сув кўтариш насос станциялари, ичимлик ва оқова сув тозалаш иншоотларидаги ускуналарини ўз вақтида алмаштириш ҳамда реконструкция ва модернизация қилиш ишлари амалда бажарилмаса Кўмита томонидан тарифларни оширилган қисмини истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиниши юзасидан тегишли чоралар кўрилади.